


# ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР КҮРИЛДИ




## ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР КҮРИЛДИ

*Oltinsoy tumani hokimligi Axborot xizmati December 22, 2022*

Бугун, 22 декабрь куни Олтинсой туман ҳокимлиги мажлислар залида Халқ депутатлари Олтинсой туман Кенгашининг эллик биринчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияни Олтинсой тумани ҳокими, Кенгаш раиси Алишер Джумаев бошқариб борди.









Сессияда дастлаб “Халқ депутатлари Олтинсой туман Кенгашининг бўшаб қолган ўрнига сайланган депутатларнинг ваколатини эътироф этиш тўғрисида” Олтинсой туман сайлов комиссияси раиси Ўрол Абдурасуловнинг маъruzasi тингланди. Сўнgra Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2022 йилнинг 5 май куни “Тез тиббий ва шошилинч ёрдам хизмати фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари “га бағишлиб кенгайтирилган тарзда ўtkазилган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифаларнинг тумандаги ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида Олтинсой туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи ўринбосари Мамаюсуп Кўчаров маъруза қилди.






Сессияда Олтинсой тумани ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя қилишни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси Фозил Ориповнинг “Олтинсой туманидаги мавжуд айрим географик обьектлар номларини тасдиқлаш тўғрисида”ги маърузаси тингланди.



Шундан сўнг тумандаги “14-,43-,67-сонли умумтаълим мактаблар директор лавозими учун Сурхондарё вилоят ҳалқ таълими бошқармаси томонидан тавсия этилган номзодларни танловдан ўtkазиш тўғрисида” директорликка номзодларнинг маърузалари эшитилди.



Шунингдек, сессияда Халқ депутатлари туман Кенгашининг доимий комиссияларида кўрилган масалалар ҳам депутатлар томонидан тасдиқланди.



Сессияда кўрилган масалалар юзасидан депутатлар Ҳ.Товашаров, Р.Ҳамроев, Р.Турдиев, С.Нормуродов, Ҳ.Исматуллаев, С.Жумаевлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Сессияда кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Нормурод ТЕМИРОВ,

Одилжон СОДИҚОВ.

---

EDIT